



2006 йил 31 августдан
чоп этила бошлаган

ЖАМИЯТ

№ 46
(964)
2025 йил
13 ноябрь,
Пайшанба

Ижтимоий-сиёсий газета



МАМЛАКАТИМИЗДА

«ЯШИЛ МАКОН» УМУММИЛЛИЙ ЛОЙХАСИНИНГ КУЗГИ МАВСУМИ БОШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти раҳбарлигида 2025-йил 26-сентябр куни кенгайтирилган тарзда ўтказилган йиғилишда берилган топшириқларга мувофиқ, жорий йилнинг куз мавсумида 125 млн туп, 2026-йил баҳор мавсумида эса 75 млн туп кўчат экиш вазифаси белгиланган.

Шунга кўра, жорий йил куз мавсумида ва 2026-йил учун

манзарали ҳамда мевали дарахт ва бута кўчатларини экиш бўйича ҳар бир ҳудуд, соҳа, вазирлик ва идоралар кесимида, шунингдек, саноат корхоналари атрофида «яшил белбоғ»лар ташкил этиш прогноз кўрсаткичлари белгиланди.

Кузги мавсумдаги кўчат экиш ишларини ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш мақсадида, 2025-

йил 8-ноябрдан бошлаб «долзарб бир ойлик» эълон қилинди.

Бугун Тошкент вилоятининг Оҳангарон тумани ҳудудидан ўтувчи А 373 халқаро аҳамиятга эга автомобиль йўлининг 2 томонида 46 км масофа оралиғида Республика ижро этувчи органлари вакиллари ҳамда вазирлик ва идоралар томонидан дарахт кўчатлари экилди.

Ушбу тадбирлар учун Ўрмон агентлиги тасарруфидаги Оҳангарон, Бурчмулла, Қуйи Чирчик, Бекобод, Саксота ва Тошкент давлат ўрмон хўжаликлари томонидан совуқ иқлим шароити ва сувсизликка чидамли бўлган жами 48 минг туп – 25 минг туп қайрағоч, 13 минг туп шумтол ва 10 минг туп терек каби манзарали дарахт кўчатлари етказиб берилди.

Сўнгги йилларда Самарқанд шаҳри Марказий Осиёнинг ташриф қоғози, Ўзбекистонда йирик тадбирлар ўтказиладиган Тошкент шаҳридан кейинги иккинчи шаҳарга айланди. Ўтган қисқа вақт ичида Самарқандда амалга оширилган «Боқий шаҳар» меъморий ансамбли каби йирик бунёдкорлик лойиҳалари ҳудуднинг иқтисодий, ижтимоий ҳамда туристик имкониятларини ошишига хизмат қилмоқда.



КЎҲНА ТАМАДДУННИНГ ЯНГИ РЕНЕССАНСИ




2»



СОҒЛОМ МИЛЛАТ – ТАРАҚҚИЁТ ПОЙДЕВОРИ

Бугунги кунда ҳар бир мамлакатнинг ривожланиш салоҳияти, унинг иқтисодий қудрати ёки сиёсий барқарорлиги, аввало, аҳолининг соғлом ва фаол турмуш кечириши билан чамбарчас боғлиқ.

3»

Samarkand
2025

КЎХНА ТАМАДДУННИНГ ЯНГИ РЕНЕССАНСИ

«1 Буни биргина жорий йил давомида бўлиб ўтган Европа Иттифоқи-Марказий Осиё саммити, Самарқанд халқаро иқлим форуми, БМТнинг Давлат хизмати форуми, Ислом фан, таълим ва маданият масалалари (ICESCO) ташкилоти йиғилиши ҳамда айни кунларда бўлиб ўтаётган ЮНЕСКО Бош конференциясининг 43-сессиялари мисолдан ҳам кўриш мумкин.

Эътиборли жиҳати шундаки, сўнгги 40 йилда илк бор ЮНЕСКО сессияси Париждаги бош қароргоҳдан ташқарида ўтказилмоқда ва унда 42-сессияга нисбатан бир баробар кўп 4500 нафардан ортиқ иштирокчи қатнашмоқда. Бундай нуфузли форумнинг мамлакатимизда ўтказилаётгани Ташкилотга аъзо 190 дан ортиқ давлатларнинг Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларга бўлган юксак ишончининг ёрқин ифодаси саналади.

Давлатимиз раҳбари ўз нуткида таъкидлаганидек, бу нуфузли форумнинг Самарқандда ўтказилиши тасодифий эмас, сабаби сўнгги йилларда мамлакатимизнинг таълим, фан, маданият ва ахборот соҳаларида ЮНЕСКО билан ҳамкорлиги

янги босқичга кўтарилди.

Қолаверса, Хива, Бухоро, Шаҳрисабз ва Самарқанднинг ЮНЕСКО Жаҳон мероси рўйхатида бўлиши тарихий ифтихордир. Аммо бу меросни асраб-авайлаб, уни замонавий тараққиёт билан уйғунлаштириш – Янги Ўзбекистон сиёсатининг моҳияти саналади. Президентимизнинг “Шарқ ва Ғарб, Шимол ва Жануб ўртасида уйғунлик кўприги бўлишга ҳамиша тайёرمىз” деган сўзлари мамлакатимизнинг ташқи сиёсий стратегиясини фалсафий даражада ифодалайди.

Нутқдаги асосий ғоялардан яна бири – инклюзив таълим ва сунъий интеллект технологияларини таълим тизимида жорий этиш ташаббусидир. Президентнинг “ҳар бир болага тенг имконият” ғояси – ижтимоий адолатнинг замонавий талқини. Бу ташаббус ЮНЕСКОнинг таълимда инклюзивлик ва барча учун тенг шароит яратиш концепцияси билан чамбарчас боғлиқ.

Шунингдек, “Сунъий интеллект – мактаб” лойиҳаси ва Сунъий интеллект этикаси бўйича халқаро анжуман ташкил этиш таклифлари Ўзбекистоннинг фан ва технология соҳасида жаҳон илмий жамоасига

тенг қадам қўйиш ниятини намоён этади. Бу, шубҳасиз, келажакда мамлакатимизни таълим ва инновациялар марказларидан бирига айлантириш йўлидаги муҳим қадам бўлади.

Шу билан бирга, дунё халқларининг маданий меросини асраб-авайлаш, “Жаҳон хотираси” дастурини ривожлантириш ва “Хужжатли мерос халқаро куни”ни таъсис этиш ҳақидаги ташаббуслар “рақамли маданият” даврида миллий меросни янги шаклда яшатиш имконини беради.

“Хотин-қизлар етакчилиги бўйича ЮНЕСКО академиясини ташкил этиш” таклифини аёллар салоҳиятини жамият ривож учун стратегик ресурс сифатида баҳолашнинг яққол ифодаси дейиш мумкин. Бу ташаббус нафақат гендер тенглигини таъминлайди, балки таълим, фан ва санъат соҳаларида хотин-қизларнинг илмий ва ижодий салоҳиятини очиб берувчи глобал платформа бўлиб хизмат қилади. Самарқандда ўтказиш таклиф қилинган “Хотин-қизлар глобал форуми” мамлакатимизнинг бу масаладаги етакчи позициясини мустаҳкамлайди.

Шу билан бирга, рақамли макондаги ахборот манипуляцияларига қарши кураш, ёшларда медиасаводхонликни ошириш ҳақидаги фикрлар жамиятимизнинг маънавий иммунитетини мустаҳкамлашга қаратилган. Болалар маданий контенти фестивали ташаббуси эса ахборот давридаги ёш авлод учун илмий ва ижодий тарбиянинг замонавий моделидир.

Хулоса қилиб айтганда, Самарқандда ўтказилаётган ЮНЕСКОнинг 43-сессияси нафақат Ўзбекистоннинг, балки бутун инсониятнинг маънавий бирлиги, маданий ва илмий ҳамкорлигини мустаҳкамлашда янги тарихий саҳифа саналади.

Халқ вакили сифатида Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган ташаббуслар ҳамда сессия якунида қабул қилинадиган хужжатлар мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш ва уларни ҳудудий дастурларда ҳам акс эттириш орқали ҳаётга тадбиқ этиш олдимизда турган устувор вазифа саналади.

Фаррух АБДУҲАМИДОВ,
Халқ депутатлари Арнасой туман Кенгаши депутати

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларда инсон ҳуқуқ, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш орқали инсон қадрини оширишга асосий эътибор қаратилмоқда.

Дарҳақиқат, дунёда ишонч ва ўзаро бир-бирини тушуниш тақчиллиги сезилаётган, қарма-қаршилиқлар ва можаролар кузатилаётган бугунги шароитда инсон ва фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш масаласи жаҳон ҳамжамиятининг эътибор марказида бўлмоқда.

1948 йилда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг қабул қилиниши муҳим тарихий воқеа, инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро нормалар ва стандартларнинг шаклланишига пойдевор бўлди.

Таъкидлаш жоизки, инсониятнинг узоқ тарихи давомида одамларга ўз фикрларини эркин билдириши, муҳим қарор қабул қилишда иштирок этиш ва ўз манфаатларини ҳимоя қилиши имконини беришга қаратилган демократик институтлар ҳақида муҳим ғоялар илгари суриб келинди. Аммо шуни ёдда тутиш керакки, демократиянинг ўзи инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишни кафолатламайди – уларни ҳимоя қилиш ва таъминлашга қодир кучли институтлар ва механизмлар мавжуд бўлиши керак. Ана шундай демократик институтлардан бири инсон

ОМБУДСМАН

инсон ҳуқуқлари глобал

ҳуқуқлари бўйича Омбудсмандир.

Сўнгги йилларда Омбудсман институти инсон ҳуқуқлари ҳамда эркинликлари тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилиши устидан назорат қилувчи мустақил орган сифатида ривожланишнинг янги босқичига қадам қўйди.

2023 йилда қабул қилинган янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикасининг Конституцияда инсон ҳуқуқларига оид нормалар сони 3,5 баробарга ошди ҳамда инсон ҳуқуқи ва эркинликларига оид нормалар Бош қонунимизнинг қарийб 50 фойиздан ортигини ташкил қилди.

Қайд этиш лозимки, янги таҳрирдаги Конституциянинг 98-моддасига асосан сайлов ҳуқуқига эга бўлган юз минг нафардан кам бўлмаган фуқаро, Олий Мажлисининг Сенати, Марказий сайлов комиссияси билан бир қаторда Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ҳам қонунчилик таклифларини қонунчилик ташаббуси тартибида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритишга ҳақли эканлиги мустаҳкамланди. Бу Омбудсман институтига на-

фақат муҳим конституциявий ваколат, балки улкан масъулият ва жавобгарликни ҳам юклайди.

2022 йил 1 январдан Омбудсманнинг жойларда доимий асосда фаолият юритувчи 14 нафар минтақавий вакил лавозимлари жорий қилинди. Мазкур янгилик Омбудсманнинг жойларда инсон ҳуқуқларини таъминлашга оид фаолиятини янги босқичга олиб чиқди.

2024 йилнинг 15 ноябрида қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида”ги қонун Омбудсман институтининг инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишда мустақил миллий институт сифатидаги аҳамияти, унинг институционал асосларини такомиллаштириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилишини таъминлаш борасидаги ваколатларини кучайтиришга хизмат қилмоқда.

Қонунга кўра, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) мансабдор шахс бўлиб, у давлат органлари, шу жумладан ҳуқуқни муҳо-

СОҒЛОМ МИЛЛАТ – ТАРАҚҚИЁТ ПОЙДЕВОРИ

«1 Сабаби, соғлом инсон – соғлом жамиятни, соғлом жамият эса барқарор давлатни таъминлайди. Шу нуктаи назардан қаралганда, тиббиёт ва фармацевтика ходимлари нафақат касб соҳиблари, балки миллат саломатлигининг посбонлари, халқ ишончи ва умидининг тимсоли ҳисобланади.

Президентнинг “Тиббиёт ва фармацевтика ходимларини қўллаб-қувватлаш чоралари тўғрисида”ги қарори ушбу соҳа ва унинг фидойи намояндаларига бўлган давлат даражасидаги юксак эътиборнинг амалий ифодаси бўлди.

Қолаверса, қарор нафақат ижтимоий сиёсат соҳасидаги муҳим қадам, балки инсон кадрини улуғлаш ва меҳнатга муносиб муносабат таъминлашнинг амалий ҳаётга татбиқ этиш йўлидаги янги босқич сифатида ҳам алоҳида аҳамият касб этади.

Жумладан, қарорда давлат тиббиёт муассасалари ходимларини ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш, уларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш ва самарали меҳнат фаолияти учун муносиб шарт-шароитлар яратиш устувор вазифа сифатида белгиланган.

Хусусан, ижтимоий ҳимояни кучайтириш ва моддий манфаатдорликни ошириш, фидойи ходимларни рағбатлантиришнинг янги механизмларини жорий этиш, ёш ва истикболли мутахассислар учун касбий ўсиш имкониятларини яратиш ҳамда тиббиёт ходимларининг

жамиятдаги нуфузини ошириш шулар жумласидан.

Шунингдек, 2026 йилдан бошлаб тиббиёт ходимларига Тиббиёт ходимлари куни муносабати билан ҳар йили меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорида рағбатлантириш берилиши белгилаб қўйилди. Бу амалиёт соҳадаги меҳнатни қўллаб-қувватлашдаги тизимли ёндашувнинг бошланғич нуктаси бўлди дейиш мумкин.

Шу билан бирга, “Энг яхши республика шифохонаси раҳбари”, “Энг яхши шифокор”, “Энг яхши туман шифохонаси” каби танловлар жорий этилиши ҳам соҳа ходимларини адолатли баҳолаш ва ижтимоий нуфузини оширишнинг самарали йўлидир.

Ғолибларга 30 миллион сўмдан бошлаб 500 миллион сўмгача бўлган пул мукофотлари белгиланиши, уларнинг давлат мукофотларига тавсия этилиши, хорижда малака ошириш имкониятига эга бўлиши бу, шубҳасиз, кадрларнинг меҳнатини рағбатлантиришдаги муҳим қадам ҳисобланади. Бу каби танловлар ва моддий рағбатлантириш чоралари нафақат рақобат муҳитини кучайтиради, балки тизимдаги кадрлар сифатини ошириш, янги ғоялар ва илғор тажрибаларни татбиқ этишга туртки беради.

Тиббий хизмат узлуксиз жараён эканлигини ҳисобга олган ҳолда, байрам ва дам олиш кунларида навбатчилик тизими жорий этилиши шифокорларнинг иш ва дам олиш

режасини мувозанатлаштириб, руҳий соғлом муҳитни таъминлайди. Иш жадвалининг меъёрлаштирилиши, тиббий хизмат кўрсатувчиларнинг касбий хасталиклардан ҳимоя қилиниши ва иш сифатига ижобий таъсир кўрсатиши шубҳасиз.

Дунё амалиётида шундай тажриба бор: шифокорнинг дам олиши беморнинг соғлом қолиши билан бевосита боғлиқ. Президентимиз томонидан айнан шу таъминот амалиётга киритилаётгани инсон манфаатларини олий кадр сифатида кўриш сиёсатининг яққол ифодасидир.

Қарорда тиббиёт ва фармацевтика ходимларининг илмий изланишларини қўллаб-қувватлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Энди халқаро илмий журналларда мақолалар чоп этиш билан боғлиқ харажатлар давлат томонидан қоплаб берилади. Бу орқали мутахассислар илмий фаолият билан шуғулланишга кизиқиш уйғотади, миллий тиббиёт илмининг халқаро майдондаги нуфузи ошади. Шунингдек, соҳа етакчилари хориждаги нуфузли таълим ва илмий марказларда ўқитилиши, замонавий менежмент ва тиббий бошқарув дастурларини ўзлаштириши соҳанинг стратегик ривожига хизмат қилади.

Қарор орқали соҳа фидойиларига тақдим этилган яна бир ижтимоий имтиёз бу 15 йил иш стажига эга ходимларнинг фарзандларига олий таълим муассасаларидаги контракт



тўловининг 30 фоизи қоплаб берилишидир. Шунингдек, улар учун уй-жой хариди вақтида дастлабки тўловнинг 25 фоизи давлат томонидан қопланади. Санаторийларда бепул дам олиш ва юқори технологик тиббий ёрдамдан бепул фойдаланиш ҳукуқи берилади.

Қисқача айтганда, мазкур қарор ижроси мамлакатимизда тиббиёт соҳаси нуфузини ошириш билан бирга, инсон саломатлигини ҳимоя қилишни миллий қадрият даражасига кўтаришда муҳим тарихий аҳамият касб этади. Ҳар бир шифокор, ҳар бир ҳамшира ва фармацевт энди ўз меҳнатининг қадри борлигини, давлат унинг орқасида турганини ҳис этади. Бу эса, соғлом миллат, барқарор давлат ва юксак маънавиятли жамият сари олиб боровчи ишончли йўлдир.

Мухаррам ДАДАХЎЖАЕВА,
Юнсобод туманидаги
50-оилавий поликлиника
мудир

ИНСТИТУТИ

ТИЗИМИНИНГ МУҲИМ ЭЛЕМЕНТИ

фаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ҳамда мансабдор шахслар томонидан инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилиши устидан парламент назоратини амалга оширади.

Қонунда Омбудсманга ўз вазифаларини монеликсиз ҳамда самарали амалга ошириши учун қўшимча қафолатлар ҳамда ҳуқуқлар берилди. Хусусан, Омбудсман фуқароларнинг, республика ҳудудида турган чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг, юридик шахсларнинг инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини бузаётган ташкилотларнинг ёки мансабдор шахсларнинг ҳаракатлари ёхуд ҳаракатсизлиги устидан берган шикоятларини кўриб чиқади ҳамда ўз текширувини ўтказиш ҳуқуқига эга.

Хужжат билан Омбудсманнинг Олий Мажлисага йиллик маъруза тақдим этишидан ташқари Ўзбекистон Республикаси Президенти, Олий Мажлис палаталари ва Вазирлар Маҳкамасига инсон ҳуқуқлари, эркинликларини ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг айрим йўна-

лишлари бўйича ҳуқуқий, ташкилий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа чора-тадбирлар кўришга қаратилган махсус маърузалар тақдим қилиш ҳуқуқи мустаҳкамланди.

Эътиборлиси, Омбудсманнинг махсус маърузаси инсоннинг бузилган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини тиклаш бўйича хулоса ёки тақлифлардан иборат бўлади. Омбудсман инсон ҳуқуқларининг бузилишига оид мурожаатларни тизимли таҳлил қилиш асосида жамоатчиликнинг “сигналларини” давлат раҳбари, халқ вакиллари ва ҳукуматга билдириб туради. Бу эса ўз навбатида, оқибат билан курашиш эмас, балки инсон ҳуқуқларига оид қонун бузилиш ҳолатларининг олдини олишга қаратилган тизимли чоралар кўрилишига хизмат қилади.

Шу билан бирга, Омбудсман томонидан давлат органлари ва ташкилотлар раҳбарларига аниқланган қонунбузилишлар бўйича уларни содир этишга имкон яратган сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида тақдимнома киритиш ҳуқуқи мустаҳкамланди.

Қонун билан Омбудсманга қонунчилик тақлифларини қонунчилик ташаббуси тартибидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш ҳуқуқининг берилиши эса аҳолининг эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда аниқланган муаммоларга тезкор жавоб беришга имкон беради ҳамда янада адолатли ва самарали қонунлар қабул қилинишига ўз ҳиссасини қўшади.

Яна бир муҳим жиҳат шундан иборатки, давлат органлари ва ташкилотларининг инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш масалаларини кўриб чиқиш билан боғлиқ йиғилишларида, шу жумладан Олий суд Пленуми мажлисларида Омбудсманнинг иштирок этиш ҳуқуқи қафолатланди.

Янги таҳрирдаги қонуннинг қабул қилиниши Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил (омбудсман) институтининг мустақил миллий институт сифатидаги ролини янада ошириб, Омбудсман фаолиятининг институционал асослари тақомиллаштирилишига, унинг инсон ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилишини таъминлаш борасидаги ваколатларининг кенгайишига ва Омбудсманнинг парламент назорати институти сифатида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича фаоллигини янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилади.

Бахтиёр МАШАРИПОВ,
Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари
бўйича вакилининг (омбудсманнинг)
Тошкент шаҳридаги минтақавий вакили



ДАРАХТ ЭКИШНИ БИЛМАЙДИГАН КАТТАЛАР



Ўтган ҳафта ижтимоий тармоқларда бир видео тарқалди. Экопартия раҳбари Абдушукур Ҳамзаев мактаб ўқувчилари билан учрашувда: «энди катталар учун дарахт экишни кўрсатиб берамиз» деди. Шу пайт ўқувчилардан бири бегуборлик билан сўради: «катталар дарахт экишни билмайдими?».

Партия раҳбари кулиб, «ҳа, катталар билишмайди, шунинг учун дарахтлар қуриб кетаяпти», деди. Аммо серсавол болакай яна қизиқди: «катталар мактабга бормаганими?»

Бу гап, гўё ҳазилдек эшитилса-да, жуда оғриқли ҳақиқатни очди: ростда биз дарахт экишни эмас, дарахт кесишни ўрганган жамият катталаримиз.

Тошкентда куни кеча 174 та дарахт кесилгани бўйича ҳамон баҳс-мунозаралар давом этмоқда. Ахир кам эмас 174 та дарахтни улғайтиришнинг ўзи бўлмагандир. Бир дарахт вояга етгунча камида 30 йил керак. Энди экилган дарахтлар каттаргунча яна қанча қиш, қанча ёз ва қанча чанг-тўзон ва жазирамада жаззиллашимизга тўғри келади.

Gazeta.uz нашрининг ёзишича, пойтахтимизнинг Бобур кўчасида кесилган дарахт ва буталарнинг 151 таси соғлом бўлган. Ҳар доимгидек бизда «саллани олиб кел, деса калла оладиган»лар, касалванд дарахтларга кўшиб соғлом дарахтларнинг 150 дан зиёдини кесиб ташлаган. Аслида қандай топшириқ бўлгани бизга қоронғу...

Экология вазирлиги зарарни 1 миллиард 460 миллион 952 минг сўм деб ҳисоблаган. Президентнинг 90-сон қарори билан жорий этилган мораторий талаблари кўпол равишда бузилган. Шаҳар ҳокимлиги масъуллар жазоланишини айтди, лекин шу савол ҳавода осилиб турибди: «Дарахт кесган фуқаролар жавоб беради», аммо дарахт кесишни буюрганлар кимлар, ахир кимдир буйруқ берган-ку ёки ҳар доимгидек «фуқаролар А.Б ва В.Слар...» деган алфавитли кроссворд ечиш билан шуғулланамизми?

Кесиш топширигини ким берган?

Тошкент шаҳри ҳокимлиги ахборот хизмати раҳбари Гулноза Қосимованинг Gazeta.uz нашрига берган интервьюсига кўра, ҳокимлик ушбу дарахтларни кестириш ниятида бўлмаган, фақат кўчириш режаси бор эди. Аммо масъул ходимлар топширикни ногўғри тушуниб, дарахтларни кесиб ташлаган.

Агар ростдан ҳам бу соҳада ўз ишини пухта бажара олмайдиган, минг бор узр, овсарроқ одамлар ишласа, балки уларни тиббий текширувдан ўтказиб ишга олиш ке-

ракдир. «Кесиш» билан «кўчириш» иборасининг фарқи бормаслик учун топшириқ берилётганда ходим нима билан банд бўлиши керак?

Қосимова ҳатто кесиш ишлари нега тунда бўлганини шундай изоҳлади: «кечкурун, салкинда кўчирилган дарахтлар яхши илдиз олади».

Хўп, мақсад дарахтларни кўчириш (қаерга ва нима учун) экан, тунги вақт кўчириш учун танланган экан, нима учун кесиб ташланди...

Бироқ дендролог, Тошкент давлат аграр университети доценти Фарҳод Убайдуллаев буни фожа деб атади: «Бу арчалар виржин турига мансуб бўлиб, заҳарли газлар, чанг ва иссиқликка чидамли. Видеоларда улар соғлом, кўм-кўк ҳолатда. Кесилган ҳар бир арча биофабрика эди. Улар шаҳарнинг ҳавосини тозалайди, иссиқни қайтаради».

«Экология бўлимларини ҳокимиятга бериш, бу фожеа»

Экология вазири маслаҳатчиси Расул Кушербаев президент фармонида кўра, ўнга яқин вазирлик қаторида Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигининг ҳам бўлинмалари тажриба-синов тариқасида ҳокимликлар тузилмасига ўтказилаётганига муносабат билдирди.

«Жойлардаги экология бўлимлари маҳаллий ҳокимиятларга бериляпти. Бу «Атроф-муҳитни асраш ва «яшил иқтисодиёт» йилида экологияни ўлдириш дегани. Афсуски, жойларда энг кўп мораторий талабларини бузаётган идораларни қарасангиз, бу маҳаллий ҳокимиятлар ҳиссаси тўғри келади... Бундан кейин ҳокимиятларни дарахт кесишдан ҳеч нарса тўхтатиб қолмайди. Шунинг учун мазкур қарорни қайта кўриш керак деб ҳисоблайман», дейди у.

Р.Кушербаевнинг сўзларига кўра, ривожланган мамлакатларда экология идоралари ҳукуматга эмас, парламент ёки президентга бўйсунди, чунки бу манфаатлар тўқнашувини олдини олади. Бизда эса аксинча.

Умуман олганда, дарахтларнинг кесилиши учун жавобгар, яшилликка масъул идоралар талайгина, лекин шунга қарамай дарахтларнинг эгаси йўқдек ва янаям ачинарлиси, айнан яшилликка жавобгар, табиатни асраб-авайлаши керак бўлган

ваколатли ташкилотларнинг ўзи бузғунчиликка бош-қош бўлса дардингни кимга айтасан. Масалан, ободонлаштириш бошқармаларининг кўчаларни тозалашдан ташқари кўкаламзорлаштириш бўйича вазифалари ҳам бор. Наҳотки, ободликка масъул корхоналар ходимларининг бирортаси «ўзимиз ўтирган шохга ўзимиз болта ураяпмиз» дея ўйламаган, дарахт «жаллодлари»ни тўхтатишга уринмаган бўлса. Яъни шаҳар ҳокимлиги ва туман ободонлаштириш бўлимлари реконструкция, йўл ёки бинолар қурилишида «кесиш ёки кўчириш» лойиҳасига жавобгар эканлигини билмаса?

Аслида, 2019 йилда қабул қилинган қарорга кўра, ҳар бир кесилган дарахт учун 5 таси қайта экилиши керак. Бу амалда бажариляптими? Ва бу кўчатларни қанчаси кўкаради, қанчаси қурийд ва ҳавога совурилган қанча маблағ бюджетга зарар келтиради?

Ҳозир пойтахтдаги РМ 2.5 ҳаво ифлосланиш кўрсаткичи 3 барабар (РМ 10) меъёрдан юқори. Ҳаво дарахтлар камайиши эвазига ана шундай ифлосланиб бораверади. Бир дарахт йилига 20-30 кг чангни филтрласа, демак 174 дон дарахт 3-4 тонна чангни филтрлаган бўларди, энди эса аҳоли тонналаб чангни ютишга тайёргарлик кўриши керак...

Тадқиқотларда айтилишича, шаҳарда дарахтлар кесилган ҳудудларда ҳаво ҳарорати 4-8°C га ошади, чанг зарралари 30 фоизга кўпаяди, иссиқлик ороллари тез шаклланади. Бу нафақат экотизим, балки инсон соғлиғига ҳам таҳдиддир, аллергия, астма ва стресс даражаси ошади.

Дарахтларнинг нафақат ҳаво тозалаши, балки сув айланишига ҳам таъсир этишини жуда яхши биламиз. Илмий ҳисоботларга кўра, битта катта дарахт йилига 400–1000 литр сувни айланишга қайтаради. Дарахтларнинг кесилиши шаҳар микроклиматидаги намликнинг йўқолиши, ёмғир микдорининг пасайишига ҳам таъсир қилувчи омил. БМТнинг «UN-Habitat» ҳисоботига кўра, миллион аҳоли шаҳарда ҳар бир одамга камида 9 м² яшил майдон тўғри келиши керак.

Тошкентда бу кўрсаткич охириги йилларда 5 м² атрофида. Бу кетишда янада камайд, лекин айнан Президент Шавкат Мирзиёев Тошкент шаҳрининг бош режаси лойиҳаси билан танишиш (2022 йил) чоғида Тошкент шаҳри ва унинг атрофидаги яшил ҳудудлар 3 қарра кўпайти-

рилиб, 25 минг гектарга етказилиши белгиланиши, бу орқали аҳоли жон бошига тўғри келадиган яшил майдон ҳозирги 3 квадрат метрдан 6 квадрат метрга ошишини алоҳида урғулаган эди. Бугунги ҳолатни хийнат ёки саботаж деб бемалол айтсак бўлади, менимча.

«Катталар дарахт экишни билмайдими?» – болакай ҳақ экан...

Кесиш, сотиш, узр сўраш... ва яна кесиш... Сўнгги бир йилда дарахт кесилиши бўйича ҳолатлар тез-тез муҳокамаларга ва норозиликларга сабаб бўлмоқда. Наҳотки, мана шундай муҳокамалар бўлишини билиб туриб ҳам бемалол хатоликка йўл қўйиш мумкин. Ёки дарахт кесилишидан манфаатдор одамлар Ўзбекистонда нима бўлаётгани, дарахтларга мораторий жорий қилингани, аҳоли қазабига учрашини билмаса... билмасая...

Агар билиб туриб одамлар гапираради, биз эса бир-икки одамни жазолаб қизармай, уялмай яшашда давом этамиз деб ўйлашган бўлсачи? Энг қўрқинчлисиам шуда ўзи...

Дарахтлар кесилиши билан боғлиқ хабарларга кўз югуртираемиз: Қибрайда 30 йиллик дарахтлар кесилди: аҳоли норозилик билдирмоқда, Наманганда 4 туп қимматбаҳо дарахтни кесган фуқародан 326 млн. сўм зарар ундирилди... Сайхунбодда 21 туп дарахтни сотган уч киши 2 йилга қамалди... (зарар 1 млрд сўм). Юнусободда дарахт кўпорган икки киши 5 суткага қамалди, 27,8 млн. сўм ундирилди...

Сўнгги савол

Демак, бу рақамлар, бу дарахтга нисбатан зўравонликлар биринчиси ва сўнгиси ҳам эмас. Шунинг учун болакайнинг саволи қайта янграйди:

«Катталар дарахт экишни билмайдими?»

Майли, катталар дарахт экишни билмас, лоақал кесишни тўхтатиши керак...

Яна болакайнинг саволига қайтаемиз: «катталар мактабга бормаганими?»

Биз эса тахмин қиламиз: катта эҳтимол билан улар ё мактабга бормаган ёки «иккичи» бўлган. Ахир мактабга борган одамда савод бўлади, онг, билим «кесиш» ва «кўчириш» деган гапларнинг фарқи боради, ё ростанам дарахт кесган катталар мактабга бормади вақтини бузғунчилик ва талон-тароғжлик билан ўтказганмикан, нима дедингиз?

Барно СУЛТОНОВА

КАРЬЕРА – КАСБИЙ РИВОЖЛАНИШ ОМИЛИ



Касбий малака ўзини-ўзи ривожлантириш ва ҳар доим янги билимлар олишга тайёрликни талаб қилувчи муҳим омил ҳисобланади. Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида ўқиш ва ўз кўникмаларини янгилаб бориш карьера муваффақиятини оширади.

Шунингдек, карьеранинг дастлабки босқичларида турли хил профессионал тренинглари ва сертификатлари олишнинг аҳамияти катта. Шахсий қобилиятлар, жумладан, юқори иш қобилияти, вақтни бошқариш, самарали коммуникация ва муаммоларни ҳал қилиш кўникмалари карьера ўсишининг асосий омилларидир. Карьера ривожланишининг бу жиҳати замонавий бозор шароитида алоҳида аҳамият касб этади, чунки бугунги куннинг иш бозорида рақобатбардошликни сақлаш учун янги билимларни доимий равишда эгаллаш зарур. Касбий малакани ошириш ва профессионал кўникмаларни ривожлантиришга бўлган талаб ҳар бир шахснинг карьера йўлида муваффақиятга эришиш учун муҳим омил ҳисобланади. Карьера ривожланишининг ўзгарувчан иқтисодий шароитларда муваффақиятли амалга оширилиши учун шахс доимий равишда

янги билимларни эгаллаши, янги методологияларни ўрганиши ва ўз соҳасида илғор билимларга эга бўлиши керак. Касбий малакани ошириш ва профессионал кўникмаларни ривожлантиришга бўлган талаб ҳар бир шахснинг карьера йўлида муваффақиятга эришиш учун муҳим омил ҳисобланади.

Масалан, технологик инкилоблар ва рақамли трансформация карьера ривожланишига катта таъсир кўрсатади. Сунъий интеллект, автоматлаштириш, маълумотлар таҳлили, рақамли маркетинг каби соҳаларда малакалар касбий муваффақиятга эришиш учун зарур бўлиб, буларни ўзлаштириш карьера йўлида юксалишга олиб келади. Замонавий иш бозори ҳам ўзгарувчан ва мураккаб шароитларда ривожланмоқда. Глобализация, технологик тараққиёт ва халқаро иш бозорларидаги ўзгаришлар карьера бошқаруви жараёни янада мураккаблаштиради.

Ҳозирги кунда касбий ривожланиш нафақат ўз мақсадларини белгилаш ва бу йўлда тўғри стратегияларни ишлаб чиқишдан иборат. Шунингдек, карьера ривожланишида психологик омиллар ҳам ўз ўрнига эга. Шахснинг профессионал муваффақиятга эришишидаги мотивация, ўзини англаш, ўз имкониятларига ишонч, қарор қабул қилиш қобилияти ҳам муҳим аҳамиятга эга. Психологик жиҳатлар шахснинг муваффақиятга эришишига таъсир этувчи асосий омил бўлиб, ҳар бир индивиднинг карьера йўлидаги ютуқлари ва муваффақиятсизликлари уларнинг ички мотивацияси ва қарор қабул қилиш қобилиятига боғлиқ. Рақамли технологиялар ва сунъий интеллектнинг ривожланиши карьера бошқарувида янги усулларни киритмоқда. Масалан, сунъий интеллект ёрдамида иш берувчилар кадрларни танлашда аниқроқ ва самаралироқ натижаларга эришишмоқда. Бунга қўшимча равишда, замонавий технологиялар шахсларнинг касбий кўникмаларини баҳолаш ва ўқитиш тизимларини янада такомиллаштириш имконини яратмоқда. Масофавий иш ва рақамли алоқа воситалари карьера ривожланишининг янги йўналишларини очмоқда. Шу билан бирга, глобал иш бозори

рақобатбардошлигини ошириб, касбий ривожланиш имкониятларини кенгайтирмоқда. Бугунги кунда карьера бошқаруви ва касбий ривожланишнинг илмий асослари ва замонавий ёндашувлари жуда кенгайиб бормоқда. Карьера бошқарувининг муваффақиятли амалга оширилиши учун шахслар нафақат ўз-ўзини ривожлантиришга қаратилган стратегияларни ишлаб чиқишлари, балки иш жойидаги имкониятлардан тўғри фойдаланишлари керак. Карьера ривожланишининг замонавий ёндашувлари шахсларнинг психологик ва рақамли омилларини ҳисобга олиш, касбий малакаларни ошириш ва глобал миқёсдаги имкониятлардан фойдаланишни таъминлашга қаратилган. Замонавий иш бозоридаги рақобатни енгиб ўтиш ва профессионал ўсишга эришиш учун ҳар бир шахс ўзини доимий равишда ривожлантириши, янги билимларни эгаллаши ва янги технологияларни ўзлаштириши зарур. Бундай ёндашув, нафақат шахснинг карьера йўлида муваффақиятга эришишига, балки жамиятдаги иқтисодий ўсиш ва ривожланишга ҳам ҳисса қўшади.

Ирода ИСАКОВА,
Пастдарғом тумани 4-сон
политехникуми ўқитувчиси

ТУШИНГИЗНИ
ЭФИРДА
АЙТМАНГ

Ишдан, ўқишдан чарчаб келиб, оила даврасида телевизор кўришни ва маданий ҳордиқ чиқаришни хоҳлаймиз. Аммо “ойнаи жаҳон” мана шу эҳтиёжни қондира оляптими?

Жамиятнинг эстетик дидини юксалтираётгани ёки “дилбузарликдан” у ёғига ўтмаяптими? Бундай дейишимизга асос бор, айрим каналларнинг кечки соат 16:00дан бошлаб 23:00 да тугайдиган новеллалар занжири катта аудиторияни телевизорга “михлаб” қўймоқда. Тўғри, бу билан улар ўзининг қайсидир вазифани бажараётган бўлиши мумкин, бироқ, кўтарилаётган мавзулар ижтимоий ҳаётимизда қанчалик долзарб ва қадриятларимизга мос? Теленовеллаларнинг кўп қисми бир хил сюжетга эга: қасос, оилавий можаролар ва охирида бахтли якун. Шу билан бирга ҳар бир новеллаларда бир хил актёр ва актрисалар рол ижро этишади. Буниси ҳам етмагандек уларнинг номи ҳам “оламшумул”. Масалан, “Хорижлик овсин”, “Ота-бола ошқлар”, “Қундошим қайнсинглим экан”, “Совчиси йўқ маъсума”, “24 соатлик келинчак”.



Кўриниб турибдики, мавзулар бир қолипдан чиққандай. Нима, бизда бошқа мавзу қуриб қолганми? Қачонгача, йўқ нарсаларни бўрттириб, ўзимизни ўзимиз шарманда қиламиз? Қани миллий менталитет, қани ўзбекона ҳаё? Бу савиясиз лавҳалар қандай қилиб томошабиннинг руҳиятини кўтариши мумкин?

Тўғри, бундай қисқа сериаллар кўпайишининг асосий сабаби тижорат ва рейтинг. Телеканалларда даромадини ошириш ва ортиқча савий-ҳаракатдан қочиш учун тайёр новеллаларни сотиб олиб, ўзининг эфир вақтини тўлдиришмоқда. Оқибатда танқидий-таҳлилий, тафаккур қилишга ундайдиган кўрсатувлар фақат хафта охирида эфирга кетиб ёки умуман йўқолиб бормоқда.

Бунга ечим сифатида Президент фармони билан ҳар бир телеканалда маънавий маърифий кенгаш ташкил этилди. Мақсад эфирга узатилиши режалаштирилган контентни саралаш ва сифатлисини оммага етказиш. Бу ҳам маълум маънода ўз самарасини берар, бироқ аҳоли бундай саёз медиамасхулотга ўз фикрини, позициясини билдирмас экан, новеллаларнинг ижодкорлари тушида кўрган воқеасини ҳам ойнаи жаҳонга олиб чиқишдан тортинишмайди. Минглаб, миллионлаб аудиторияга катта таъсир қилувчи кучга эга эфир эса, афсуски, кўп ҳолларда ўз қудратини ўтин ёришга сарфламоқда.

Рушана ЗАРПУЛЛАЕВА,
ЎзЖОКУ талабаси

РАҚАМЛАШТИРИШ — ҲАР ТОМОНЛАМА ҚУЛАЙ



Ўзбекистон Республикаси Конституциянинг 46-моддасига кўра, ҳар бир шахс нафақага чиқиш ёки меҳнат салоҳиятини йўқотиш, ишсизлик ёки боқувчисини йўқотиш ҳолларида ижтимоий таъминотга ҳуқуқлидир; пенсия, ёрдам ва бошқа ижтимоий тўловлар миқдори қонуний минимал истеъмол харажатларидан кам бўлиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий сиёсатининг устувор йўналишларидан бири – ҳар бир фуқарога муносиб ҳаёт тарзини таъминлаш йўлида адолатли ижтимоий муҳофазани ташкил этишдир. Мамлакатимизда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш, фуқароларга давлат пенсияларини тайинлаш бўйича давлат хизматини ошириш, ижтимоий адолат тамойилларини мустаҳкамлашда кекса, меҳнатга лаёқатсиз, боқувчисини йўқотган аҳолига давлат хизматларини кўрсатиш тизимини босқичма-босқич ислоҳ қилишда ва шу борада фуқароларга пенсияларни тайинлаш юзасидан кўрсатилаётган давлат хизматлари сифатини янада яхшилаш ҳамда ортиқча бюрократик тўсиқларни бартараф этиш борасида изчил ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Эндиликда аҳолига пенсия тайинлаш тизимига замонвий ахборот технологияларни фаол тадбиқ этган ҳолда давлат томонидан кўрсатилаётган хизматлар сифатини янада ошириш мақсадида бир қанча норматив ҳужжатлар қабул қилинмоқда, уларнинг барчаси фуқароларнинг бирон бир хизматлардан фойдаланганларида вақтларини сарфламаслик ҳамда ортиқча оворагарчиликларини олдини олишга қаратилгандир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 26 июндаги «Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ғазначилик хизмати қўмитаси ҳамда бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси томонидан замонвий хизматларни жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-105-сон Фармони ижтимоий муҳофаза соҳасида янги босқични белгилаб берди. Ушбу ҳужжат орқали пенсия тайинлаш, ижтимоий ёрдам ва молиявий хизматлар жараёнларини рақамлаштириш, замонвий электрон ва онлайн хизматларни

жорий этиш бўйича амалий чоралар белгиланмоқда.

Ушбу Фармон бўйича рақамлаштириш ҳамда янгича ёндашув асосида ишни ташкил этиш белгилаб берилди. Унга кўра фуқароларнинг пенсияга оид маълумотларини тўлиқ рақамлаштириш мақсадида, 2025 йил 1 октябрга қадар Мажбурий ижро бюроси мажбурий ижро жараёнида ундирувчи пенсия тўловларига қаратишдан аввал дастлаб фуқароларни хабардор қилиш тизими жорий этилди. 2025 йил 1 ноябрга қадар мудофаа ишлари органларида рўйхатда турган ва пенсия тайинланаётган фуқароларнинг ҳарбий хизматни ўтаган даври тўғрисидаги маълумотларни «Рақамли ҳукумат» тизимининг идоралараро интеграциялашув платформаси орқали Пенсия жамғармаси ахборот тизимига тақдим этиш бўйича интеграция қилиш чораларини кўриш, 2025 йил июль – октябрь ойлари давомида ҳоким ёрдамчилари ҳар бир маҳалладаги «маҳалла еттичилиги» билан биргаликда фуқароларнинг меҳнат дафтарчаси маълумотларини туман (шаҳар) камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлимлари орқали рақамлаштириш бўйича тарғибот ишларини амалга ошириш белгилаб берилди.

2025 йил 1 мартдан бошлаб фуқароларга ёшга доир, «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 7-моддаси, яъни эркаклар 60 ёшга, аёллар эса 55 ёшга тўлиши муносабати билан уларнинг алоҳида мурожаати талаб этмаган ҳолда, 2025-йил 1 июлдан эса ногиронлик пенсиялари проактив шаклда пенсиялар тайинлаб келинмоқда. Бунда, ёшга доир ва ногиронлик пенсиялари Пенсия жамғармасининг ахборот тизими орқали тегишли вазирлик ва идоралараро ахборот алмашуви асосида

олинадиган фуқаронинг иш стажига иш ҳақи ҳамда бошқа маълумотларига асосан давлат пенсия таъминоти тўғрисидаги қонунчиликда белгиланган тартиб ва меъёрларга мувофиқ ҳисобланади ва тайинланади. Ҳозирги кунда жорий этилган замонвий хизматлар ҳисобига ёшга доир пенсияларнинг 62 фоизи, ногиронлик пенсияларни 100 фоизи проактив шаклда тайинланишига эришилмоқда.

Фуқароларга ёшга доир, ногиронлик пенсияларини уларнинг мурожаати талаб этмаган ҳолда, проактив шаклда пенсия тайинлаш учун уларнинг меҳнат дафтарчаларидаги мавжуд меҳнат фаолияти «Ягона миллий меҳнат тизими» ИДАКга тўлиқ киритилиши лозим бўлади. Бунда фуқаро ҳозирги кунда ишлаган бўлса, иш жойидаги кадрлар бўлимига мурожаат этишлари лозим бўлади. Агар фуқаро меҳнат фаолиятини юритмаётган яъни ишсиз бўлса, ўзлари яшаб келаётган туман Бандликка кўмаклашувчи марказларига мурожаат қилган ҳолда бепул равишда меҳнат дафтарчаларини маълумотларини рақамлаштиришлари мумкин бўлади.

Фуқароларга проактив шаклда пенсия тайинлашда, пенсияга чиқиш ҳуқуқи пайдо бўлган чоғида ишламайдиган фуқароларга ўзларининг меҳнат дафтарчаларидаги меҳнат стажига тўғрисидаги маълумотларни Бандликка кўмаклашиш марказларига мурожаат қилиш орқали «Ягона меҳнат миллий тизими» идоралараро дастурий-аппарат комплексига киритиш лозим, ишлайдиган фуқароларнинг меҳнат фаолияти корхонанинг кадрлар бўлими томонидан ЯММТ базасига киритилиши лозим. Пенсия жамғармаси ходимлари эса электрон сўров юборган ҳолда, ҳар бир фуқаро бўйича электрон маълумотлар олинди ва шу асосида пенсия тайинлаш амалга оширилади. Бунда, меҳнат стажига, иш ҳақи, олий таълим муассасаларидаги ўқиш ҳамда ҳарбий хизмат даври тўғрисидаги ҳужжатлар Пенсия жамғармаси томонидан ЯММТ ИДАКдан фойдаланган ҳол-

да электрон маълумотлар алмашинуви асосида олинади.

Энди, фуқаролар ўзларини меҳнат дафтарчаларини рақамлаштиришнинг афзалликлари ҳақида айтадиган бўлсак, аввало қоғоз шаклидаги меҳнат дафтарчаларидаги маълумотлар электрон шаклга ўтади, меҳнат стажига тўғрисидаги маълумотлар хавфсиз сақланиш имкони яратилади. Бу эса фуқароларга пенсия тайинлашда меҳнат стажига автоматик тарзда аниқланади, уларнинг вақти тежалади, меҳнат фаолияти ҳақидаги маълумотлар давлат томонидан тасдиқланган расмий электрон ҳужжат ҳисобланади. Агар айрим сабаларга кўра фуқаро меҳнат дафтарчасини йўқотиб қўйган тақдирда ҳам электрон меҳнат дафтарчаси бўйича келажақда унга пенсия тайинлаш имкони мавжуд бўлади.

Буларнинг барчаси фуқароларга давлат пенсиясини тайинлашда уларнинг ортиқча оворагарчиликларини бартараф этиш, тўсиқларни қисқартириш, уларга адолатли пенсия тайинлашдан иборат.

Умуман, Президентнинг 105-сонли Фармони ижтимоий ҳимоя тизимини замон талабларига мос равишда янгилаш, давлат хизматларини фуқароларга яқин ва фойдали шаклда тақдим этишга қаратилган муҳим қадам бўлди. Ушбу ҳужжат нафақат пенсия ва ижтимоий тўловларни тайинлаш жараёнларини автоматлаштиришни таъминлайди, балки Конституцияда мустаҳкамланган ижтимоий таъминот ҳуқуқининг амалий қафолатини кучайтиради. Янги электрон хизматлар, очиклик ва фуқаролар билан бево-сита мулоқотнинг йўлга қўйилиши аҳолининг давлатга ишончини мустаҳкамлайди ҳамда ижтимоий адолат ва фаровонликни таъминлашга хизмат қилади.

Гулнора МУРОДОВА,
Иқтисодиёт ва молия
вазирлиги ҳузуридаги
бюджетдан ташқари
Пенсия жамғармасининг
Тошкент шаҳар, Сергели туман
бўлими бошлиғи,
юримдик фанлар номзоди



ФАРЗАНДИНИ «УНУТГАН» ОТА

Хар бир ёш оила қуриб, янги ҳаётга кадам қўяр экан, аввало, турмуши ширин ва бахтли бўлишини истайди. Бироқ курук истакнинг ўзи етарли эмас. Чунки оила деб аталмиш бўстонда ҳаёт бир текис кетмайди. Бу эса эр ва хотиндан сабр-тоқатли бўлишликни, аҳилликни талаб этади.

Йўқса, арзимаган гап-сўзлар, келишмовчиликлар муносабатларни емириши, ҳаётни боши берк кўчага олиб кириши мумкин.

Х.Қ. ширин орзу ниятлар билан А.С.га уйланади. Орадан йиллар ўтиб ўғилли бўлишди, аммо фарзанд туғилиши оила ришталарини мустаҳкамлай олмади. Рўзгордаги майда-чуйда гап-сўзлар бора-бора оиланинг барбод бўлишига олиб келди.

Энг ёмони, эр фарзандини “унутди”. Таъминоти билан ҳеч қизикмайди. Қийин аҳволда қолган она алимент ундириш мақсадида судга мурожаат қилади. Фуқаролик ишлари бўйича Чирчиқ туманлараро судининг буйруғи билан Х.Қ.га вояга етмаган фарзанди учун ҳар ойда даромадининг тўртдан бир қисми миқдорида алимент ундириш тўғрисида буйруқ чиқарган. Аммо ота суднинг буйруғини бажармаган. Х.Қ. суд ижрочилари томонидан вояга етмаган фарзандига алимент тўлаши шартлиги тўғрисида бир неча бор огоҳлантирилган. Бироқ яна у фарзанди моддий

таъминотига эътиборсиз қараб, суд буйруғини бажармаганлиги учун отага нисбатан ҳужжатлар тегишли тартибда расмийлаштирилиб судга ўтказилади. Х.Қ.га жиноят ишлари бўйича Яшнобод суди томонидан 15 сутка маъмурий қамоқ жазоси тайинланган. Ота суд томонидан фарзанди учун мажбурий ундирилиш керак бўлган 23.976.516 сўм миқдордаги алиментни тўлашдан қасддан бўйин товлаган. Х.Қ. эса турли баҳоналар билан фарзанди таъминоти учун белгиланган суммани бермаган. Дастлаб маъмурий жавобгарликка тортилиб, кетма-кет огоҳлантиришлардан тегишли ҳулоса чиқармаганлиги сабабли отага нисбатан жиноий иш қўзғатилади.

Яқинда мазкур жиноий иш судда кўриб чиқилди. Суднинг ҳукми билан Х.Қ. бир йил муддатга озодликдан маҳрум этилди. Шунингдек, судланувчидан жабрланувчи она фойдасига 11.011.180 сўм ундириш белгиланди.

Амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқ ота-она вояга етмаган болаларга таъминот бериши

шартлиги, агарда ота-она таъминот бериш мажбуриятини ихтиёрий равишда бажармаса, суднинг ҳал қилув қарорига ёки буйруғига асосан алимент ундирилши белгиланган. Қолаверса, жиноий жазо олган жавобгар ота фарзандлари олдидаги мажбуриятларидан озод қилинмайди.

Ҳаётда баъзида ана шундай ноҳуш ҳолатлар учраб турганлиги афсусланарлидир. Ўз фарзандлари тақдирига бу қадар бефарқ қарайдиган оталарнинг учраб туриши кечирилмайдиган ҳолат. Ундайларга нисбатан қонунчиликда қатъий жавобгарлик чоралари белгиланган.

Оила жамиятнинг кичик бир бўлаги ҳисобланиб, унинг мустаҳкамлиги юртнинг келажагини белгиловчи омилдир. Шундай экан, оила бутунлигини сақлаш ва фарзандлар таълим тарбиясига ҳар биримиз масъул эканлигимизни унутмайлик.

Матчонбой МАТЧАНОВ,
Жиноят ишлари бўйича
Яшнобод туман судининг тергов судьяси

МУАССИСЛАР:

Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси

Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси

Тахрир хайъати:

Азиз АБДУҲАКИМОВ
Қаҳрамон ҚУРАНБОЕВ
Акмал САИДОВ
Ақтам ҲАЙИТОВ
Камолиддин ИШАНХОДЖАЕВ
Отабек ҲУСАНОВ

Бош муҳаррир
Максуд ЖОНИХОНОВ

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Манзил:
Буюк Турон кўчаси 41.
Буюртма рақами Г-1110
Адади: 1600
Пайшанба кuni чиқади.
Қоғоз бичими А-3,
ҳажми 3 босма табоқ.
Баҳоси келишилган нархда.

2024 йил 2 августда
Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги
Ахборот ва оммавий
коммуникациялар агентлиги
томонидан 0010-рақам билан
рўйхатдан ўтказилган.
ISSN 2010-7722

Боғланиш учун
телефонлар:
99-994-70-52
98-111-48-29
Электрон почта:
jamiyat@umail.uz
Газета индекси – 131
“ЖАМИЯТ”дан олинган
маълумотларда манба
сифатида газета номи
кўрсатилиши шарт.
Топширилган вақти: 20:00
1 2 3 4 5 6

Ҳаммамиз йўловчимиз. Кунда ёки кунора транспортнинг у ёки бу туридан фойдаланамиз. Ўтган йилнинг 4 сентябрь кuni соат 13:30 ларда йўловчи Й.М. 18-сонли автобус саройига қарашли 11-йўналишдаги автобусга чиқади.

ҲАЙДОВЧИ ВА ЧИПТАЧИ СУДЛАНДИ

Манзилига етгач, сумкасини автобус ўриндиғида унутиб қолдиради. Бироздан сўнг чиптачи ўша қизнинг сумкасини очиб қараса ичида 1 600 000 сўм пул бор экан. Ҳайдовчи ва чиптачи сумкадаги пулни тенг бўлишиб олишади. Тўғри, улар сумкани эгасига қайтариб беришган. Пулни эса олмаганмиз, деб туриб олишади. Бироқ олиб борилган тезкор суриштирув ва тергов жараёнида Ҳайдовчи ва чиптачининг олдиндан тил бириктириб, аёллар сумкасини 1 600 000 сўмни олишгани фош этилади.

– 10 йилдан буён автобус Ҳайдовчиси бўлиб ишлайман, – деди судда судланувчи Ж.Ж. – Ўша кuni тушлик маҳалли чиптачи Э.С. менга қўнғироқ қилди. Автобус ҳаракатланаётган вақтида телефонда гаплашиш мумкин эмаслиги

учун жавоб бермадим. Бекат охирига борганимда чиптачи Э.С. аёллар сумкасини автобусдан олиб тушди. Сумка ичида 1 600 000 сўм пул бор экан. Биз бўлишиб олдик. Оқибатини ўйламаган эканман. Қилган ишимдан пушаймонман. Кечиринглари. Етказилган моддий зарарни тўлиқ қопладик. Оилавий шароитимни ҳисобга олиб, енгиллик беришларингизни сўрайман.

Судда судланувчи Э.С. ҳам айбига тўлиқ иқрорлик билдириб кечирим сўради.

Суд ушбу жиноят иши юзасидан тўпланган ҳужжатларни текшириб чиқиб, қонуний баҳо берди. Судни ҳукми билан уларнинг ҳар бирига иш ҳақининг 10 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлади.

Агарда Ҳайдовчи ва чиптачи унутиб қолдирилган аёллар сумкасидаги пул-



ни ўғирламасдан эгасига қайтарганларида эди, раҳмат эшитарди. Афсуски, улар ҳеч ким билмайди, дея ўғирлик қилишган. Натижада эса иккиси ҳам судланди.

Алишер ЖАЛИЛОВ,
Жиноят ишлари бўйича
Яккасарой туман суди раиси

БИЗ — ЎЗБЕКИСТОНДАН!

Ҳаммамиздаям бўлса керак, кўпинча давраларда ёки ўзимизга ўзимиз кеча юртимиз қандай эди, бугун қандай давлатга айланаяпмиз, деган савол беришимиз оддий ҳолат бўлиб қолди.

Солиштиришга эҳтиёж, масалан, менда илгариям, ҳозирам қишлоқ ва шаҳарларимизга борганимда кўпроқ пайдо бўлади.

Чет элларга бир-бир чиққанда ҳам яна таққос ўз ишини бошлайди.

Яқин йилларгача четга борсак, “Қаердан келдиларинг?” деган саволга кўп марта “Ўзбекистан. Ўзбекистан” деб қайта-қайта айтишга маҳкум эдик. Чунки рўпарангизда турган чет эллик “Пакистан? Афганистан?” деб ўзича билган “стан”ларни санарди. Омад чопиб, 15 йилча олдин АҚШга бориб қолгандим, бир ошхонасида сарик сочли йигит қаердан келганлигимизни билгиси келди, шекилли, инглизча “Вэра ю фром?”лаб қўймади. Бўш келиш ўзбеккамас, дедим-да “Ўзбекистон. Ўзбекистан. Ўз-бек-истан. Тошкент, Таш-кент. Самарканд” дея қаторлаштирдим. Тан олиш керак, йигит жилмайганча, мен айтган гапларни анча “ҳазм” қилишга ҳаракат қилди. Иложини қилолмай, нима қилди, денг; шарт смартфонини чиқариб, “Мэп” харитани очиб “топиб бергин” деганнамо имлади. Мэпжонни катталаштира-катталаштира Ўзбекистонни топдим, кўрсатдим. Бошини чайқаб, тушунганлигини айтди. Мен эса, “наҳотки Ўзбекистондай давлатни билмасанг” дегандек ҳақоратланган сездим ўзимни....

Лекин ўша даврларнинг битта катта “плюс”и бор эди; чет элга

бориш ҳаммагаяммасди. Четдан қайтсанг, одамлар йиғилиб, таассуротларни соатлаб эшитарди. Ҳозир хорижга бордим, деб бировни хайрон қолдирадиган замон бўлмай қолди. “Палончи давлатга бориб-келдим” десанг ҳам кўрган-кечирганларни эшитадиган одам топиш, амримаҳол. Чунки кўпчилик ўзиям у-бу давлатга борган-да. Унгаям эшитадиган инсон керак... Шунақа давр....

Энг қувонтирадигани, ҳозир чет

сафар қилиб, улуг шоиримиз Эркин Воҳидов ёзганларидек, “Ғоз юрарман, гердайиб” сайр қилдик. Ҳозир қаерга борманг жуда кўпчилик “Ўзбекистон” десак, билаяпти. Табассумини, хурматини кўрсатапти.

Президентимизга раҳмат, қисқа вақтда Ўзбекистонни, Янги Ўзбекистонни бутун дунё таниди ва тан берапти.

Давлатимиз раҳбарининг Бельгияга расмий ташрифини анчадан бери кутаётган эдик. Чунки Ўзбекистон қисқа вақтда ривожланган давлатлар билан алоқаларни мустаҳкамлаб, манаман деган мамлакатлар билан фаол мулоқотни йўлга қўйди.

Эътибор берган бўлсангиз, Ев-

ўртасида Кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланди.

Зиёлилар, ақлли инсонлар яхши тушунишади; бу битим дипломатик тўхтамлардан ташқари, феноменал қувватга эга...

Нега десангиз, Европа Иттифоқи давлатлари билан бундай кенг кўламли тарихий келишувга эришилиши ўз-ўзидан бўладиган воқеа эмас. Бунинг учун мамлакатдаги ислохотлар, давлат раҳбарининг тутган йўли, юритаётган ички ва ташқи сиёсати жиддий эътиборга олинади.

Келишувнинг, айниқса, халқимиз учун, тадбиркорларимиз учун ҳам фойдаси жуда катта. Энди бизга Европанинг 27 давлати бозорлари янада кенг очилади. Божхона тартиблари соддалашади. Юртимизга Европа инвестициялари оқими фаоллашади. Ёшларимиз Европа мамлакатларида ўқиши учун имкониятлар кенгайди. Бизникилар учун ҳам ЕИда кенг фаолият юритиш имкони туғилади. Умуман олганда, барча соҳаларда ҳамкорлик алоқалари кенгайиб бораверди.

Хуллас, Европа билан дўстона борди-келди кучаяди.

Насиб, энди Қўҳна қитъага борганда “Вэра ю фром?” деган саволига “Ай фром из Ўзбекистон” деб ғурур билан айтамиз.... “Оооо, Ўзбекистан!” деган ҳаяжонли хайкириғига сўнгги пайтларда анча кўникиб қолганимиздек, оддий ҳолат сифатида қараймиз....

Салим ДОНИЁРОВ,
Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган журналист

Ёзда Ҳиндистоннинг Мумбай шаҳрига боргандик, “ўзбекистонлик экан, ҳурмат қиламиз”, деб, меҳмонхонасининг VIP хонасидан жой беришди. У ерда бир ҳафта сафар қилиб, улуг шоиримиз Эркин Воҳидов ёзганларидек, “Ғоз юрарман, гердайиб” сайр қилдик. Ҳозир қаерга борманг жуда кўпчилик “Ўзбекистон” десак, билаяпти. Табассумини, хурматини кўрсатапти.

элга борсак, “Ўзбекистон”лаб ўтиришга ҳожат йўқ. Бир айтгандан; “Оо, Ўзбекистан! Вэри гууддд. Ташкент. Самарканд. Бухара” деб юборади, кўпинча.

Ёзда Ҳиндистоннинг Мумбай шаҳрига боргандик, “ўзбекистонлик экан, ҳурмат қиламиз”, деб, меҳмонхонасининг VIP хонасидан жой беришди. У ерда бир ҳафта

ропа мамлакатларининг юраги бўлган расмий Брюссель ҳам Ўзбекистон Президентини илиқ қарши олди.

Мухим гап, тунги ёмғирдан тиникиб тонг оттирган пойтахт Брюсселда бугун барчамиз учун яна бир қувончли, тарихий воқеа кузатилди — Ўзбекистон Республикаси билан Европа Иттифоқи

